даврга (XI-XIII асрлар) мансуб арабча-туркча ёки туркча-арабча икки тилли луғатлар Ўрта Осиё мамлакатларида араб тилининг, иккинчи даврга (XV-XVIII асрлар) мансуб форсча-туркча, чигатойча-форсча икки тилли луғатлар форс-тожик тилининг, учинчи даврга (XIX аср охири XX аср бошлари) мансуб русча-сартча, сартча-русча луғатлар Чор Россиясининг минтақага кириб келиши, тўртинчи даврга (XX аср) мансуб русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар рус тилининг ёйилиши, аниқроғи, собиқ шўро ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш учун юзага келган. А.Мадвалиев ва С.Нормаматовлар таъкидлаганидек, хусусан, рус тили негизида яратилган икки тилли ўқув луғатлари зиммасига фақат тил ўрганиш эмас, балки миллатни, унинг маданияти, қадриятларини ўрганишдан иборат соф ижтимоий-сиёсий вазифа юкланган ва тузувчилари аксарият ҳолларда чор офицерлари, миссионерлар бўлган¹. Бироқ ўқув типли луғатлар яқин-яқингача таснифларда ўз ўрнини топа олмай келган. Хусусан, ўзбек тилининг академик лексикологиясида луғатчилик даврлаштирилган экан, куйидаги фикрлар диққатни тортади: “Ўзбек луғатчилигининг тўрт даврига ҳам ўз характери билан мос келмаган айрим луғатлар бор. Бу луғатларнинг ўзига хос томони шундан иборатки, 1) улар фақат таржима луғати бўлиб, кўп тиллидир; 2) кичик ҳажмга эга; 3) сўзлиги тематик усулда жойлаштирилган; 4) сўзлик рўйхати савдо учун зарур бўлган лексика билан чегараланган”². Мазкур белгилар айнан ўқув луғатлари тавсифига мос тушади.

Ўзбек тилида яратилган илк луғатларнинг барчасида икки вазифа – *тил лексик сатҳини акс эттириш ва тилнинг грамматик қурилишини тасвирлаш* мақсад қилиб олинган. Яъни мазкур луғатлар фойдаланувчи учун сўзнинг фақат семантикаси ҳақида эмас, балки грамматик, парадигматик, синтагматик хусусиятлари ҳақида ҳам маълумот беради. Хусусан, А.Нурмонов бу даврга мансуб манбаларни “Луғатларда грамматика масалалари” мавзуси остида таҳлил қилади³. Шундан келиб чиқиб, ишда ўзбек (туркий) ўқув луғатчилигининг илк намуналари *луғат-грамматикалар* деб номланди ва ўзбек ўқув луғатчилиги тараққиёти куйидагича даврлаштирилди: 1) X-XIV асрлар. Араб лексикографияси анъаналари асосида яратилган ва ўз даврида туркий тилли аҳолининг араб тили, арабларнинг туркий тилни ўрганиши учун хизмат қилган арабча-туркча, туркча-арабча икки тилли луғат-грамматикалар; 2) XV-XVII асрлар. Ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзилган бадий, илмий-маърифий асарлар, хусусан, Алишер Навоий асарлари бўйича яратилган форсча-туркча, туркча-форсча икки тилли луғат-грамматикалар; 3) XIX-XX асрлар. Собиқ шўро даврида яратилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча икки тилли ва адабий тил меъёрларини ўргатиш мақсадида яратилган ўқув луғатлар; 4) XXI аср

¹Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўплам. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. –Б.168-169; Нормаматов С.Э. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни: Филол.фан... доктори (DSc) дисс. –Т.: 2019., –250 б.

²Ўзбек тили лексикологияси. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент: Фан, 1981. –Б.298

³Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи: Олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетларининг талабалари учун ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А. Рустамов. – Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.106

бошларидан ҳозиргача бўлган давр. Истиқлол йилларида яратилган янги авлод ўқув луғатлари.

Бобнинг “Араб ва форс-тожик тиллари негизида юзага келган икки тилли луғат-грамматикалар таҳлили” деб номланган иккинчи бўлимида Туркий луғатчиликнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган Халил ибн Аҳмаднинг “Китобул-айн” (VIII аср), Сибавайҳийнинг “Ал китоб” (IX аср), Абу Наср Исмоил ал Жавҳарийнинг “Саҳих” (IX аср), Завзанийнинг “Китоб ул-масодир” (1066 йил), Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана” (1048), Ферузободийнинг “Қомус” (XIV аср) луғатлари, шунингдек, илк туркий тилли луғатлар сифатида талқин қилинадиган “Девону луғотит турк” (1073-1074), “Муқаддиматул адаб” (1137), “Китоб ул-идрок ли лисан ул - атрак” (1312), “Аттуҳфатуз закияту фил луғатит туркия” (XIII аср) каби луғат-грамматикалар ўқув луғатчилиги мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Туркий луғатчиликнинг араб ва форс-тожик тиллари негизида яратилган X-XVII асрларга оид илк намуналарини ўқув луғати сифатида талқин этилишининг ўзига хос илмий асослари мавжуд. Ушбу мулоҳазалар Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари мисолида куйидагича асосланади: **Биринчидан**, “Девону луғотит турк”, маълумки, туркий луғатчиликнинг илк намунаси. Бироқ у анъанавий луғатларга ўхшамайди. Ҳатто унинг луғат эканига иккиланишлар учрайди. Жумладан, А.М.Шчербак “Девон”нинг луғат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос келмайди. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг маълумотлар бор...”, деса¹, Ҳ.Болтабоев “Маҳмуд Кошғарий асарини биргина изоҳли луғат ёки филология илмига дохил манба деб қараш камлик қилади”², дейди. Тилшунос Ҳ.Дадабоев эса “Девону луғотит турк”, гарчи, луғат деб номланса-да, бироқ унда қорахонийлар даври эски туркий тилининг ўзига хос хусусиятлари яхши таҳлил қилинган”³лигини таъкидлайди. Шунингдек, унга нисбатан *илк қомусий луғат, илк изоҳли луғат, илк таржима луғати, илк туркий грамматика, илк универсал луғат*⁴ каби фикрлар хилма-хиллигининг кузатилиши ҳам манбага янгича ёндашувни тақозо қилади. **Иккинчидан**, асосида тил ўргатиш мақсади ётган. Яъни у дастлабки икки тилли – туркча-арабча таржима луғати, мусулмон оламининг асосий расмий тили бўлган араб тилини ўргатиш эҳтиёжи сабаб бўлган. Ўз даврида тиллар ва маданиятлараро алоқани таъминлаш вазифасини бажарган. **Учинчидан**, *фойдаланувчиси (адресати) аниқ*. У турк тилини билмайдиган араблар ва араб тилини билмайдиган турклар учун ёзилган. **Тўртинчидан**, сўз ва

¹Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А. Рустамов. – Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.182.

²Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. (3 жилдлик) 1-жилд. Тарж. С.Муталлибов. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016. 12-б.

³Дадабоев Ҳ.А. Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси. ЎУМ.– Т.: 2016., –Б.15

⁴Қаранг: Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995. –Б 37.; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир академик Алибек Рустамов. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2002 й.; Алиев А., Қ.Содиқов. Ўзбек адабий тили тарихидан. –Т.:, 1994. –Б.70-73; 89-95; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўплам. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. –Б.136

бирикмаларнинг маънолари шунчаки тавсифланмай, “хикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, кўшиқлар, ражаз ва наср деб номланган адабий парчалар билан” безалган. Турли қабила ва халқлар тарихи, ижтимоий ҳаёти, урф-одатлари, кадриятларига доир бой маълумотлар ҳам келтирилган. Бу эса унинг ўқув луғатларининг энг асосий белгиларидан бири *антропоцентрик, лингвомаданий хусусиятини ҳам ўзида жамлаганлигидан* дарак беради. **Бешинчидан**, асар *давр мафкураси талабига жавоб беради*. У ислом динининг муқаддас китоби ёзилган араб тили манфаатини ҳам, қорахонийлар давлатининг расмий тили – туркий тил манфаатини ҳам қониқтиради. **Олтинчидан**, ўқув луғатига хос энг муҳим вазифа *адабий тил меъёрини белгилаш* вазифасини бажаради. Зеро, муаллиф ўзи таъкидлаб ўтганидек, ҳоконийлар тили – адабий тилнинг ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларини ёритиш, қоидаларини белгилаш эҳтиёжи “Девон”ни тузиш учун асос бўлган¹. Унда сўзларнинг ёзилиши, талаффузи, этимологияси билан боғлиқ дастлабки маълумотлар ҳам учрайди. **Еттинчидан**, “Девону луғотит турк” – жаҳон луғат хазинасидаги классик луғатлар каби *кўп вазифали, кўп аспекти луғат*. Шу билан бирга, ўқув луғатининг замонавий авлоди – *комплекс луғатлар* талабини ҳам қониқтира олади. У бир пайтда ҳам изоҳли луғат, ҳам таржима луғати, ҳам этимологик луғат, ҳам имло луғати, ҳам энциклопедик луғат, шунингдек, туркий тиллар тарихини ўрганиш ва қиёсан таҳлил қилиш учун ҳам муҳим манба. **Саккизинчидан**, асарни яратишда ўқув луғатини характерлайдиган энг муҳим белгилардан бири *фойдаланувчилар учун қулай бўлиши* муаллифнинг диққат марказида туради ва у асарда бунга қайта-қайта урғу беради. **Тўққизинчидан**, *ўқув-методик қурилмага эгаллиги*. “Девон”нинг муқаддима қисми, умуман олганда, бу вазифани бажара олади. Сабаби унда муаллиф ўз олдига қўйган мақсади, луғат тузилиши, иш услуби ҳақида қисқача тушунтириш беради. **Ўнинчидан**, мумтоз ўқув луғатлари каби даврнинг таниқли шахслари, ҳокимият арбобларининг шахсий буюртмасига кўра яратилган.

Хуллас, “Девону луғотит турк” ўз даврида туркий халқларнинг тилшунослиги ҳамда маданиятига улкан ҳисса қўшган илк комплекс ўқув луғати эди. Туркий тилларнинг ушбу нодир асарига барча луғатларнинг илк авлоди деб талқин этилаётган ўқув луғати сифатида қараш унинг мақомини янада оширади, туркий тилдаги илк луғат-грамматика эканини далиллайди. Маҳмуд Кошғарийнинг мазкур асарини ўқув луғатчилиги нуқтаи назаридан, қолаверса, антропоцентрик луғат нуқтаи назардан ҳам алоҳида тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Бобнинг учинчи бўлими “Рус тили негизида яратилган дастлабки кўп тилли ва меъёрий ўқув луғатлари таҳлили” деб номланади. Маълумки, XIX асрнинг охирларидан Чор Россиясининг Марказий Осиёни истило қилиш ва Туркистонни ўз мустамлакасига айлантириш ҳаракатлари бошланади. Бу эса, ўз-ўзидан, ерли аҳолининг рус тили, мустамлака остидаги халқларни бошқариш учун чор амалдорларининг ўзбек тилини тезкор ўрганиш

¹Худойбердиев Ж. Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши.– Тошкент, 2010. –Б.15

заруриятини юзага келтиради. Туркология ва шарқшунослик фанларининг юзага келишига аслида ҳукмрон мафқуранинг тил сиёсати билан боғлиқ мақсадларини амалга ошириш эҳтиёжи сабаб бўлган эди. Ушбу даврга мансуб тилшунослик манбаларининг асосида ҳам ерли халқ тилининг сўзлашув учун муҳим бўлган лексик, грамматик диалектал, орфоэпик хусусиятлари ётган ва бу тадқиқотларнинг натижаси икки тилли қисқача таржима луғати, сўзлашгичлар, чўнтак луғатларининг тузилишига хизмат қилган. Мутахассислар бу даврда яратилган луғатларнинг соф ўқув характериغا эгаллиги ва ҳукмрон мафқура манфаатлари учун хизмат қилганини таъкидлайдилар¹. Ҳақиқатан ҳам, мазкур луғатларнинг зиммасига нафақат тил ўрганиш, балки миллатни, унинг маданияти, қизиқишлари, кадриятларини ўрганишдан иборат вазифа ҳам юкланган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу даврда чоризм манфаатлари учун бўйсундирилган луғатлар билан бирга, жаҳидларнинг миллатни маърифатли қилиш, сиёсий онгини ўстириш, тил ўрганиш орқали дунёқарашини кенгайтириш учун хизмат қилган луғатлари ҳам юзага келади. Хусусан, Исҳоқхон Ибратнинг 1901 йилда Тошкентда нашр этилган **“Луғоти ситта алсина”**² (“Олти тил сўзлари”) луғати А.Мадвалиев таъкидлаганидек, том маънода ўқув луғати тоифасига мансуб луғат эди. Ибрат ўз даврининг етук зиёлиси, миллатпарвар адиб сифатида она халқини жаҳон маданияти, илғор фан ва техника ютуқлари, янгиликлари билан таништириш мақсадида ниҳояда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур луғатни тузиб чиқади. Луғат манбаларда “Сарт тили луғати” ҳам деб юритилиб³, унда феъл, от, сифат, сон ва олмош туркумларига оид 1035 та сартча (ўзбекча) сўзнинг давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган рус, араб, форс, турк, ҳинд тилларига таржимаси (муқобили) берилган. Муаллиф фойдаланувчилар учун қулай бўлишини ҳисобга олиб, сўзликни жойлаштиришда лексикографиядаги энг илғор ва самарали усул бўлган идеографик усулни қўллайди. Луғат ҳажман кичик, у жами 53 бетдан иборат.

Шунингдек, Салоҳиддин Тошкандийнинг 1909 йилда яратилган **“Луғати салос”** деб номланган уч тилли – арабча-форсча-туркча луғати ҳам ўз даврида таълимий мақсадда яратилган луғатлардан экани билан характерланади. Мазкур луғат устида махсус тадқиқотлар олиб борган С.Ғофурова уни асосли равишда ўзбек тилидаги *илк ўқув луғати* деб атайди⁴. Асар мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ва талабаларга мўлжалланган. Муаллиф ёдлаб олинган матн хотирада узоқ сақланиши ва тил ўрганишни осонлаштиришини ҳисобга олиб, асарни шеърӣ шаклда – маснавийда битган, керакли маълумотни тез ва осон ўзлаштиришнинг турли йўлидан

¹ Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўплам. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. –Б.179; Нормаматов С.Э. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жаҳид маърифатпарварларининг ўрни: Филол. фан... доктори (DSc) дисс. –Т., 2019., 250 б. –Б 114

² Исҳоқхон бинни Жунайдулла Тўрақўрғоний. Луғати ситта алсина. – Тошканд, 1901. (Исҳоқхон тюра Жунайдулла Ишанов. Словарь на сартовском языке с объяснением русских, арабских, тюркских и индийских слов мусульманской транскрипции), 53 бет

³ Ўзбек тили лексикологияси. Муаллифлар жамоаси. –Т.: Фан, 1981. –Б. 299

⁴ Ғофурова С. Салоҳиддин Тошкандий ва унинг “Луғати салос” асари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009., 2-сон. –Б.84-86

фойдаланишга ҳаракат қилган. Масалан, ҳар бир сўзнинг қайси тилга мансублигини кўрсатиш учун унинг устига махсус ишора (белги) қўйган: арабчага а (ع), форсчага – ф (ف), туркча (ўзбекча)га – т (ت) ҳарфини қизил рангдаги сиёҳ билан ёзиб қўйган:

а ф т а ф т
Узан гўшу қулоқ, айн – чашим ҳам кўз,
а а т а ф т
Жабину судаг – чакка, важҳ, рў-юз.

Нутқда учрайдиган маънодош сўзларнинг ўзлашма ёки диалектал шакллари бир қаторга тизилиб, изоҳланган:

*Бўлур зарф қоп – ованд англа эй бек,
Чу маржал – қидр – чўлмак ҳам қазон – дек*

Ёки:

*Қабоу савбу жабба, яъни қафтон
Чафону жома бўлгай, англа бу он.*

Кўпгина миллий тилшуносликларда бўлгани каби XX аср бошларидан “мактаб ўқувчилари учун”, “ўрта мактаблар учун” серияларида миллий мактабларда рус тилини ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида икки тилли русча-ўзбекча, ўзбекча-русча таржима луғатлари, оммавий саводхонликни таъминлаш, қолаверса, кирилл алифбосига ўтилиши муносабати билан адабий тил меъёрларини тезкор ўргатиш зарурати билан имло луғатлари нашр этилди. Мисол сифатида Б.Бриловнинг “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун русча-ўзбекча луғат”и (1925), Е.Д.Поливановнинг “Қисқача русча-ўзбекча луғати” (1926), Ашурали Зоҳирийнинг “Русча-ўзбекча мукамал луғат”и (1927), С.Раҳматий ва А.Қодирийларнинг “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (1934), В.В.Решетовнинг “Қисқача русча-ўзбекча луғат” (1935), О.Азизов ва О.Усмоновларнинг “Русча-ўзбекча луғат”(1964)лари, шунингдек, С.Иброҳимов, М.Раҳмон ва А.Хўжахоновларнинг “Қисқача имло луғати”(1936), Й.Абдуллаевнинг “Имло луғати”(1964), Ф.Камоловнинг “Ягона ўзбек орфографияси билан қисқача имло луғати” (1940), О.Усмоновнинг “Ўзбек тилининг имло луғати” (1940, 1949) каби меъёрий луғатларни келтириш мумкин.

XX асрнинг 70-йилларидан мактаб луғатлари “ўқув луғати” номи билан нашр этила бошлайди. Икки тилли ва меъёрий мактаб луғатлари билан бирга бу даврда узлуксиз таълимнинг юқори босқичларидаги фойдаланувчилар учун мўлжаллаган энциклопедик, изоҳли, терминологик ўқув луғатлари ҳам юзага келади. Хусусан, А.Рустамов, Қ.Каримов, З.Умаровларнинг “Форсча-ўзбекча ўқув луғати” (1975), М.Абдусаматовнинг “Сиз форсча сўзлашасизми?” (1975) форсча-ўзбекча сўзлашгичи, Т.Алиқуловнинг “Русча-ўзбекча ўқув луғати”(1982)ни ўқув луғатининг ўзига хос намуналари сифатида талқин этиш мумкин.

Дисертациянинг тўртинчи боби “Ўзбек ўқув луғатчилигининг истиқлол даври таракқиёти ва истиқболдаги вазифалари” деб номланади. Бобнинг “Ўзбек ўқув лексикографиясининг мустақиллик даври

таракқиёти” деб номланган биринчи бўлимида мустақиллик йилларида ўзбек тилида яратилган ўқув луғатлари хусусида сўз боради.

XX аср охирларига келиб собиқ иттифоқнинг таназулга юз тутиши, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, энг муҳими, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини эълон қилиши барча соҳаларда бўлгани каби ўқув луғатчилиги соҳасида ҳам янги даврни бошлаб берди. Чет тилларни ўрганишга эътиборнинг ошиши икки тилли, кўп тилли ўқув луғатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Хусусан, Я.Р.Беняминов ва С.С.Саидовнинг “Немисча-ўзбекча ўқув луғат” (1991), М.Умархўжаев ва О.Азамовларнинг “Немисча-ўзбекча зооним компонентли фразеологизмлар ўқув луғати” (2015), Х.Р.Рахимовнинг “Немисча-русча-ўзбекча тўқимачилик атамалари ўқув луғати” (1999), Э.Қиличев ва М.Қиличеванинг “Лингвистик терминларнинг ўзбекча-русча-инглизча ўқув луғати” (2010), Л.Жўраевнинг “Инглизча-ўзбекча-русча ўқув луғати” (2018, 2019), Д.Ниязахунованинг “Ўзбекча-русча-инглизча-корейсча-туркча-арабча расмли-мавзули луғат” (2019)ларини келтириб ўтиш ўринли.

Хусусан, давлат тили – ўзбек тилига бўлган эътиборнинг ортиши, мактаб она тили таълими мазмуни, мақсади ва ўқитиш услубининг ислоҳ қилиниши она тили – ўзбек тилидан фойдаланиш компетентлигини оширишда кўмак берувчи бир тилли ўқув луғатларининг яратилишига замин ҳозирлади. Ўқув луғатларининг узлуксиз таълимнинг турли бўғинлари учун мўлжаллаган бир тилли меъёрий, изохли, терминологик турлари юзага келди. Жумладан, **мактабгача ёшдаги болалар учун** В.Аристонова ва Л.Галперштейнларнинг “Менинг энг биринчи энциклопедиям” (2010), Н.Малофееванинг “Мактабгача ёшдаги болалар энциклопедияси” (2010), Миразиз Аъзамнинг “Минг бир сўзни биламан” (2016), “Менинг биринчи луғатим” сериясида Ю.Турсунованинг “Рангин олам” (2019), А.Ботированинг “Мева ва сабзавотлар” (2019), М.Турдиеванинг “Кийим-кечаклар” номли рангли-безакли ўқув изохли луғатлари, **бошланғич синфлар учун** “Мўъжиза китоб: Болалар учун универсал энциклопедия. Уч жилдлик” (Тузувчи Н.Николаева, 1998), С.Ризаевнинг “Имло ва талаффуз луғати” (1998), Н.Маҳмудовнинг “Сўз сандиқчаси” (2016), умумий ўрта мактаб ўқувчилари учун Б.М.Менглиев ва Б.М.Баҳриддиновларнинг “Ўзбек тилининг сўз таркиби ўқув луғати” (2007, 2009), О.Шукуров, Б.Бойматовларнинг “Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати” (2007, 2009), Б.М.Менглиев, Б.М.Баҳриддинова ва Ў.Холиёровларнинг “Ўзбек тилининг сўз ясалиши ўқув луғати” (2008), Т.Нафасов ва В.Нафасовларнинг “Ўзбек тилининг ўқув топонимик луғати”(2007), Т.Нафасов ва В.Нафасовларнинг “Ўзбек тилининг талаффуздош сўзлар ўқув луғати” (2008), Н.Маҳкамов ва И. Эрматовларнинг “Тилшунослик терминларининг изохли луғати” (2013), И.Ҳабибжоновнинг “Адабиёт дарсликларидаги тушунилиши қийин сўзлар луғати” (2014), шунингдек, муаллифлар жамоаси томонидан яратилган “Она тили. Қомус” (2009) каби луғатлар, **олий таълим тизимида таҳсил олувчилар учун** Ғ.Аҳмедов ва Ҳ.Бектемировнинг “Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати” (2002), Ҳ.Дадабоевнинг “Тарихий ҳарбий терминлар луғати” (2007),

Д.Ўринбаеванинг “Ўзбек халқ достонлари тилининг частотали луғати” (2006), Б.Йўлдошев ва Д.Ўринбаеванинг “Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати” (2008), Н.Очилов ва Т.Кенжаевнинг “Фольклоршунослик атамаларининг ўқув изоҳли луғати” (2011), А.Усмонхўжаев, Э.Боситхоноваларнинг “Катта тиббиёт ўқув луғати” (2011), А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (2012), М.Исмоилов ва А.Шароповнинг “Тарих атамалари луғати” (2013), Д.Худайбергеновнинг “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати” (2015) ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Жавқон Лапасовнинг ўрта мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган “**Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати**”¹ни шу даврда яратилган ўқув луғатлари ичида энг мукаммали деб баҳолаш мумкин. Луғат “Муаллифдан” деб номланган фойдаланувчилар учун услубий кўрсатма, шартли қисқартмалар ва сўзликдан иборат. Луғатнинг чап томонида ўзлашма сўз бўлса, ўзбек тилидаги таржимаси, эскирган ёки услубий хосланган ўзбекча сўз бўлса, ўқувчининг ёш хусусиятидан келиб чиқиб ҳозирги ўзбек тилидаги содда ва ихчам изоҳи берилган. Дарсликларда шу сўз ишлатилган ўринлардан мисоллар келтирилган:

Авқоф *а. бирлиги* вақф; мадрасага тегишли мол-мулк, озик-овқат, ғалла, дон, ер, сув ва ҳоказо.

Егани ҳаққи етим, мадрасалар авқофи,

Буларнинг олдидан бор рофизийнинг инсофи. (Т. Ф.) (9-бет)

Кўп маъноли сўзлар берилганда ҳар бир маъноси араб рақами билан кўрсатилиб, алоҳида изоҳланган ва мисоллар келтирилган:

Канора *ф.* 1. чет, қирғоқ.

Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур, маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур.

(Бн.)

2. чеку чегара, ҳадду ҳисоб.

Не ўрдусига бор эди канора,

Не ул ўрдунинг аҳлига шумора. (Ф. Ш.) (98-бет)

С.Ризаевнинг мустақиллик йилларида бошланғич синф ўқувчилари учун нашр этилган “Имло ва талаффуз луғати”ни ҳам меъёрий ўқув луғатларининг замонавий кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Луғат лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилган бўлиб, бошланғич синф ўқувчилари нутқида фаол ишлатиладиган 2000дан ортиқ сўзликни қамраб олган. Ҳар бир сўзнинг аввал лотин, кейин кириллча ёзилиши (транслитерацияси), учинчи устунда адабий талаффузи берилган. Луғатнинг муҳим хусусияти тўғри ёзув ва тўғри талаффузни ҳам қамраб олган том маънодаги меъёрий ўқув луғати эканлиги².

Lotincha yozilishi

adab

adabiyotchi

ajablanmoq

Кириллча ёзилиши

адаб

адабиётчи

ажабланмоқ

Талаффузи

адап

адаби:ёччи

ажабламмоғ

¹ Лапасов Ж. Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати: Ўрта мактаблар учун. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 272 б.

² Rizayev S. Imlo va talaffuz lug‘ati. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun. – Т.: O‘qituvchi, 1998. – 80 б.

baliq
laylak

балиқ
лайлак

балиғ
лайлаг/лайлай

Ўқув-методик қурилмага эгалиги, иловалар, шунингдек, ҳажм (80 бет) ва сўзлик қамрови (2000 сўз)нинг мактаб дастури ҳамда адресатнинг ёшига мослаштириб чегараланиши ва бошқалар луғат муаллифининг ўқув луғатчилиги мезонларидан хабардор эканлигидан далолат беради.

Умуман, истиқлол йилларида ўқув луғати қамрови кенгайгани, узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари учун мўлжалланган луғатлар нашр қилингани, электрон луғатчилик тараққий этаётгани ижобий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бироқ гарчи ўз фойдаланувчиларига эга бўлган бўлса-да, мазкур луғатларни замонавий луғатлар даражасида мукамал деб бўлмайди, улар айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан:

1) уларнинг аксарияти ўзбек луғатчилигида аввалдан мавжуд бўлган луғатларни махсуслаштириш, ихчамлаштириш йўли билан юзага келган:

Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1984

Х.СувONOVA ва б. Ўзбек тилининг шаклдош сўзлар ўқув луғати

кўк I сифат. 1. Ҳаво рангли, мовий, зангори. **кўк II** от. Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турувчи ҳаво қатлами, осмон, фалак, само. **кўк III** от. Кашнич, укроп, петрушка, барра пиёз. **кўк IV** от. Йирик-йирик қилиб тикилган чок

КЎК – ҳаво рангидаги; **КЎК** – йирик-йирик чок; **КЎК** – осмон; **КЎК** – кўкат

2) аксарият луғатлар, хусусан, узлуксиз таълимнинг қуйи бўғини учун тузилган болалар энциклопедиялари, шунингдек, олий ўқув юрти талабалари учун яратилган ўқув терминологик луғатлар компилятив характерга эга: рус, инглиз ва бошқа тилларда яратилган шу номли луғатлардан нусха олиш, таржима қилиш йўли билан юзага келган. Изоҳ типига луғатларда сўзлар маъносини шарҳлашда, ҳатто болалар учун мўлжалланган луғатларнинг иллюстрацияси, безакларида ҳам миллий руҳ сезилмайди;

3) луғат сўзлигини танлашда, уларда сўзлар изоҳини беришда, структурасини шакллантиришда қатъий принципларга амал қилинмаган;

4) ўқув луғатчилигининг типографик талабларига жавоб бермайди;

5) турли луғатларда, масалан, ўқув изоҳли луғат, маънодош сўзлар ўқув луғати ва бошқа лексик сатҳ бирликлари изоҳланган луғатларда муайян бир сўз изоҳини беришда мувофиқлик таъминланмагани кузатилади.

Бобнинг иккинчи бўлими “Жаҳон ўқув лексикографиясининг бугунги ҳолати ва ўзбек ўқув луғатчилиги муаммолари” деб номланиб, бу бўлимда жаҳон ўқув лексикографияси ютуқларини таҳлил қилиш асосида ўзбек ўқув луғатчилигининг истиқболдаги вазифалари белгилаб олинади. Айни пайтда жаҳон ўқув луғатчилигининг қуйидаги фаол жанрлари тараққий этиб бормоқда:

Комплекс ўқув луғатлар – ўқув лексикографиясининг ҳам луғат, ҳам лексик минимум вазифасини бажариши, ҳам лексик сатҳни турли томонлама ўрганиш имконини бериши билан характерланадиган кўп мақсадли жанри. Комплекс луғат тил лексик сатҳининг барча қирраларини биттада акс

эттиради, яъни унда сўзнинг аташ маъноси, келиб чиқиши, мақсади, кўлланиши, талаффузи, имлоси ҳақида тизимли ва ҳар томонлама мукамал маълумот берилади. Бугунги кунда инглиз, рус ва бошқа тилларда “3&1” (учтаси бирда), “5&1” (бештаси бирда) ёки “10&1” (ўнтаси бирда) кўринишларида яратилган комплекс ўқув луғатларнинг сон-саноксиз турларини учратиш мумкин¹.

Лексик минимумлар (word list, vocabulary list) – таълим олувчининг муайян тил лексикасидан мулоқот жараёнида максимал даражада фойдаланиши учун энг камида билиши зарур бўлган сўзлар рўйхати. Лексик минимумда сўзлар кўлланиш частотаси, ўқув-услубий мақсадга мослиги, таълимнинг босқичи, шу босқич дастур ва дарсликларига мослиги, фойдаланувчининг психо-физиологик ҳолати, қобилияти, сўзнинг семантик қиймати ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда танланади. У ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат мақомига эга бўлиб, ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланади. Она тили фани бўйича кириш имтиҳонлари саволини тузиш, дарсликларнинг лексик таркибини танлаш, болалар учун асарлар ёзиш, ўқув луғатлари тузиш ва хорижликларнинг ўзбек тилини ўрганишида лексик минимумлар дастурул амал вазифасини ўтайди. Бугунги кунда дунё тилларининг аксариятида бундай рўйхатларни учратиш мумкин².

Даражали луғатлар – мураккаблик даражасига кўра ўқув луғати турлари. Масалан, ўқув изоҳли луғатнинг ёки синонимлар луғатининг мактабгача ёшдаги болалар, бошланғич синфлар, юқори синфлар учун яратилаётган даражама-даража мураккаблашиб борадиган кўринишлари бунга мисол бўлади. Даражали луғатларни тузиш кўпроқ лексиканинг турли аспектларини ўргатишга мўлжаллаган луғатлар учун хос. Бироқ меъёрий ёки грамматик луғатлар ҳам даражали бўлиши мумкин. Масалан, рус тилида биргина имло луғатининг мактабгача ёшдаги болалардан тортиб юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бир неча турини учратиш мумкин³.

Серияли луғатлар – муайян мавзу ва мақсадга йўналтирилган туркум луғатлар. Бугунги жаҳон луғат хазинасида ўқув луғатларининг халқаро жанрлари мавжуд, бу жанрларнинг бир неча сериялари юзага келган. Жумладан, “Very First Dictionary”, “Children’s dictionary”, “Learning dictionary”, “Dictionary for kids”, “My First Dictionary”, “Collins school dictionary”, “Macmillian school dictionary”, “Merriam Webster’s school

¹ Қаранг. Лободина Н.В. “Универсальный современный школьный комплексный словарь. Максимально полный. Супер-словарь. “10&1”. Серия: Школьный словарь. Редактор: Гринин Л.Е., Волкова-Алексеева Н.Е. – М.: Учитель, 2019 г.; Узорова О.В., Нефёдова Е.А. Большой словарь для начальной школы. 42 словаря в одной книге. – Москва: АСТ, 2015. – 766 с.

²Қаранг: Морковкин В.В., Сафьян Ю.А., Степанова Е.М., Дорофеева И.В. Лексические минимумы современного русского языка. – М., 1985.; Система лексических минимумов современного русского языка / Под ред. В.В. Морковкина. – М., 2003. [Электрон ресурс]. URL: <https://www.lexico.com/word-lists>; <https://www.vocabulary.com/lists/>; <https://www.cambridge.org/images/starters-word-list-picture-book.pdf>

³ Қаранг: Мой первый орфографический словарь. Серия “Круглый отличник”. Учиться только на пятёрки! Редактор: Окошкина Е.А. АСТ, 2019 г., 96 с.; Мой первый орфографический словарь. Для начальной школы. Серия “Учиться только на пятёрки!” Редактор: Окошкина Е.А. АСТ, 2018 г., 48 с.; Федорова Т.Л. Школьный орфографический словарь русского языка. Стандарт, 2017 г., URL:<https://www.labyrinth.ru/books/626727/>

dictionary”, “Мой первый словарь”, “Учиться только на пятерки!”, “Словарь школьника”, “Словари и справочники для детей”, “Словари русского языка для школьников”, “Энциклопедический словарь юного ...” “Удивительные энциклопедии”, “Энциклопедия в картинках”, “Твоя первая энциклопедия”, “Kindle Edition”, “Vooculchacha”, “Ақылды балапан”, “Ең алғашқы сөздік”, “Менинг биринчи луғатим”, “Менинг биринчи энциклопедиям” каби серияли луғатлар яратилганини кузатиш мумкин.

Wordnet тундаги ўқув-тезауруслар ва ассоциатив луғатлар – WordNet ўтган асрнинг 80-йилларида Притон университетида ишлаб чиқилган ва лицензияланган инглиз тилининг лексик базаси бўлиб, ўзида электрон тезаурус-луғат ҳамда инглиз тилининг семантик тармоқларини бирлаштиради. Бу типдаги луғатлардан кўпроқ илмий тадқиқотлар ва бизнес мақсадида фойдаланилади. Ундан фойдаланишда бир неча дастурлар ва интерфейслар билан ишлашга тўғри келади. Луғат асосий сўз туркумларидан иборат тўртта тармоқдан ташкил топган: от, феъл, сифат, равиш. WordNet таянч луғат бирлигини алоҳида сўз эмас, “синсет (англ. *Synset*)” деб номланувчи синонимлар қатори ташкил этади.

Интерактив луғатлар – бугунги ўзгарувчан дунёнинг фавқулодда энг кичик ўзгаришларига ҳам зудлик билан жавоб бера оладиган, мунтазам такомиллашиб борадиган нутқ ва тафаккурни ўстириш воситаси. Интерфаол луғатнинг характерли хусусиятларидан бири унинг ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг турли тоифалари – иқтидорли ёки кам ўзлаштирувчи ўқувчилар, имконияти чекланган болалар, шунингдек, тилни она тили сифатида ўрганмайдиганлар учун ихтисослашганлиги. Интерактив луғатлар, асосан, педагогик мақсадларда яратилади, шу сабабли баъзан илмий адабиётларда у “ўқув луғати” терминининг синоними сифатида ҳам ишлатилганига дуч келиш мумкин. Интерфаол тоифага мансуб луғатларнинг яна бир муҳим хусусияти уларнинг электрон шаклда яратилгани.

Корпус луғатлар – тил тараққиётининг у ёки бу даврини акс эттириш учун етарли даражада катта ҳажмдаги матнларни жамлаш, тилдаги ёзма ва оғзаки матнларнинг барча кўринишларини (бадий услубнинг турли жанрлари, оммабоп услуб, ўқув, илмий матнлар, расмий услуб, сўзлашув услуби, диалектлар ва б.) имкон даражасида тўлиқ қамраб олиш ва мувофиқлаштириш, лингвистик разметкаларни сақлаш учун хизмат қиладиган электрон луғат тури. Бугунги кунда интернет сайтларида муайян миллий тил матнларининг электрон шаклдаги катта тўпламига асосланган, энг мукамал ишланган ва тўлдириб борилаётган корпуслар сифатида тан олинган <http://ruscorpora.ru> (Россия Федерацияси), <http://sara.natcorp.ox.ac.uk> (Буюк Британия), <http://ucnk.ff.cuni.cz> (Чехия) миллий корпусларини учратиш мумкин.

Онлайн-луғатлар – интернетда жойлаштирилган, муайян сайтда ишлашга мўлжалланган, кўплаб қидирув порталлари (google.com, yandex.ru, rambler.ru, mail.ru)ни ўзига бирлаштирган ва фойдаланиш бепул бўлган, айни пайтда энг тез оммалашаётган луғат тури. Жаҳон ўқув лексикографиясида онлайн луғатларнинг уч кўриниши учрайди: 1) босма вариантларига тўла мос

келадиган муаллифлик луғатлари; 2) муаллифлик ҳуқуқига зид ҳолда чоп этилган босма муаллифлик луғатларини нусхалаш (сканерлаш) орқали яратилган сохта (пиратский) луғатлар; ва 3) ҳар икки тоифага мансуб жиҳатларга асосланган аралаш луғатлар¹. Онлайн-луғатларнинг энг машҳур кўринишлари сифатида Wikipedia, Lingvo, Мультитран кабиларни кўрсатиш мумкин.

“Ўзбек ўқув луғатчилиги истиқболлари” деб номланган учинчи бўлимда ўқув луғатчилиги истиқболларини белгилайдиган омиллар хусусида сўз боради. Замонавий ўзбек ўқув луғатчилиги тараққиёти қуйидаги муҳим мезонларга асосланади:

1) *замонавийлик* – ўзбек тилида яратилаётган янги авлод ўқув луғатларининг мазмуни (контент) ва савиясини ошириш, корпусини такомиллаштириш, луғат сўзлигини танлаш ва семантизацияда замонавий лексикографик тамойиллар, жаҳон ўқув луғатчилиги тажрибаларини уйғунлаштириш;

2) *такомиллашганлик* – мукамал ва пухта ишланган лексик минимумлар асосида таълимнинг мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган барча босқичи ўқувчилари учун мўлжалланган турли кўриниш ва даражадаги меъёрий, тизимлаштирувчи, терминологик луғатлар, комплекс ўқув луғатлар, лексик минимумлар, даражали луғатлар, серияли луғатлар, ўқув энциклопедиялар ва катта (академик) ўқув луғатларини тузиш;

3) *компьютерлашганлик* – умумий луғатлар негизида электрон луғат турларини бойитиш, мавжуд босма ўқув луғатларини электронлаштириш, турли электрон қурилмаларда ишлашга мўлжалланган WordNet типигадаги ўқув-тезауруслар ва ассоциатив луғатлар, интерактив луғатлар, корпус луғатлар, Wikipedia, Lingvo, Мультитран каби онлайн-луғатларни тузиш; имло, талаффуз меъёрлари, таржима луғатлар, тилнинг турли лексик системалар (синонимлар, антонимлар, паронимлар, омонимлар, градуонимлар, уядош сўзлар каби)ини ўргатишга хизмат қилувчи мукамал мобиль иловаларни яратиш; интернет саҳифаларида болалар учун мўлжалланган электрон ўқув луғатларининг махсус сайтларини яратиш;

4) *лексикографик компетентлик* – фойдаланувчиларда ўқув луғатларининг замонавий кўринишлари билан ишлаш кўникмаси, луғатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида лексикографик компетентликни шакллантириш.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ахборот технологиялари тараққиёти, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси, лингводидактика, лингвопедагогика, педагогик лексикография каби фанларнинг ривожига билан боғлиқ.

¹Онлайн-словарь. [Электрон ресурс]. URL:<https://ru.wikipedia.org/wiki/>

ХУЛОСА

1. Ўқув луғати таълим комплексининг тўлақонли аъзоси бўлиб, таълим жараёнига максимал даражада мослашади. Дарслик каби адресати (фойдаланувчиси) аниқ бўлади. Чекланган ҳажмда катта мақсадни олдига кўяди. Унда сўзликни қамраб олиш имконияти чегараланган бўлади, яъни сўзлик қамрови ўқув жараёни эҳтиёжидан келиб чиқади.

2. Ўқув луғати – антропоцентрик луғат. У ўқувчининг тилни шунчаки тушуниши эмас, балки ундан профессионал даражада фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш, коммуникатив, инфорацион, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий компетенцияларини шакллантириш учун хизмат қилади.

3. Қадимги луғатлар соф амалий мақсадлар: 1) муқаддас китоблардаги диний тушунчалар ҳамда антик ёзувчилар асарларидаги маъноси тушунарсиз сўзларни изоҳлаш; 2) нутқ ўстириш, нотикликка ўргатиш; 3) мафкура манфаатларига хизмат қилиш; 4) адабий тилни меъёрлаштириш; 5) тиллараро ва маданиятлараро алоқани таъминлаш эҳтиёжи билан юзага келган. Бу эса уларга ўқув луғати сифатида қарашга асос бўла олади.

4. Россияда ўқув лексикографиясининг илк тараққиёти собиқ шўро давлати тараққий этган давр – XX асрнинг 60-70-йилларига тўғри келиб, асосий вазифаси империя тасарруфидаги миллий мактабларда рус тилини тезкор ўргатиш билан боғлиқ бўлган.

5. Европа мамлакатлари ва Россияда бўлгани каби Шарқ ва Ўрта Осиё мамлакатларида ҳам илк луғатларнинг юзага келишига мусулмон оламининг расмий тили – араб тилини тезкор ўргатиш, дин, эътиқод бирлигига эришиш зарурати сабаб бўлган.

6. Туркий (ўзбек) тилшуносликнинг илк намуналари луғат кўринишида юзага келган. Таълимий мақсадга йўналгани, луғат материалининг фақат сўзлик ёки луғат мақола эмас, балки грамматик қоидалар, топшириқлардан ҳам иборатлиги, муайян сўз маъносини изоҳлашда халқ оғзаки ижоди намуналари, даврнинг таниқли ижодкорлари, олимлари асарларидан парчалар билан бойитилгани асрлар давомида уларга нисбатан грамматика, дарслик сифатида қаралишига, тил ўргатиш учун хизмат қилгани, тилдаги тушунарсиз сўзлар маъносини изоҳлагани, сўзликни беришда кўпинча алифбо, баъзан мавзувий тартибга асослангани эса мазкур воситаларга луғат деб қаралишига сабаб бўлган.

7. Ўзбек ўқув луғатчилиги такомил қуйидаги даврлар билан боғлиқ: 1) X-XIV асрлар. Араб лексикографияси анъаналари асосида яратилган ва ўз даврида туркий тилли аҳолининг араб тили, арабларнинг туркий тилни ўрганиши учун хизмат қилган арабча-туркча, туркча-арабча икки тилли луғат-грамматикалар; 2) XV-XVII асрлар. Ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзилган бадий, илмий-маърифий асарлар, хусусан, А.Навоий асарлари матни бўйича яратилган форсча-туркча, туркча-форсча икки тилли луғат-грамматикалар; 3) XIX-XX асрлар. Собиқ шўро даврида яратилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча икки тилли ва адабий тил меъёрларини ўргатиш

мақсадида яратилган ўқув луғатлар; 4) XXI аср бошларидан ҳозиргача бўлган даврда яратилган янги авлод ўқув луғатлари.

8. Шўро даври ўзбек ўқув луғатчилиги рус тилини ўрганиш мақсадида яратилган икки тилли луғатлар ҳамда миллий мактабларда адабий тил меъёрларини ўргатиш учун хизмат қилувчи меъёрий (имло, талаффуз) луғатларни нашр этишга жиддий ёндашгани билан характерланади.

9. Истиклол даври ўқув луғатчилигининг асосий ютуқлари ўқув луғатлари қамрови кенгайгани, яъни таълимнинг барча бўғинларига мўлжалланган луғатларнинг юзага келгани, уларнинг электрон вариантларининг яратилгани, серияли ўқув луғатлари юзага келгани билан боғлиқ. Шу билан бирга, мамлакатимизда ўқув лексикографияси назарияси ишлаб чиқилмагани, луғатларни нашрга тайёрлаш ва нашр этиш билан боғлиқ молиявий тизим яратилмаганлиги ва бошқа омилларга кўра истиклол даври ўқув луғатчилиги камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Яратилган луғатларнинг аксарияти компилятив характерга эга. Сўзликни танлаш, изоҳ типидagi луғатларда сўзлар маъносини шарҳлаш, ҳатто болалар учун мўлжалланган луғатларнинг иллюстрацияси, безакларида ҳам миллий ғоямиз, маданиятимиз, урф одат ва қадриятларимиз акс этмаган, миллий руҳ сезилмайди.

10. Методик ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланган лексик минимумлар, тор мутахассисликлар учун мўлжалланган терминологик ўқув луғатлар, даражали, интерактив луғатлар, ўзбек тилининг миллий-маданий хусусиятларини тавсифлайдиган ўқув изоҳли луғатларни яратиш ўзбек ўқув луғатчилигида ҳамон долзарб ва зарурлигича қолмоқда.

11. Ўзбек ўқув луғатчилиги тараққиёти замонавийлик, такомиллашганлик, компьютерлашганлик, лексикографик компетентлик каби муҳим мезонларларнинг таъминланиши билан боғлиқ.

12. Ўқув луғатчилигининг пайдо бўлиши ва тараққиёти мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиёти, қолаверса, миллий тил Ренессанси билан боғлиқ ҳодиса. Миллий тафаккурни ўстириш ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлган шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлган ўқув луғатлари яратилмас, ўқувчиларнинг столи устида айнан унинг учун яратилган ўқув луғатлари, лексик минимумлар турмас, бунинг учун ўқув лексикографияси назарий ва амалий соҳа сифатида тизимли йўлга қўйилмас, ва энг муҳими, луғатларни тайёрлаш ва нашр қилиш билан боғлиқ илмий ва молиялаштириш тизими яратилмас экан, миллий тилни ривожлантиришдек эзгу мақсадимиз тўла амалга ошмайди, она тили таълими ўзининг ҳақиқий моҳиятидан бегоналигича қолаверади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БАХРИДДИНОВА БАШОРАТ МАДИЕВНА

**УЧЕБНАЯ ЛЕКСИКОГРАФИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ:
ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ, ИСТОРИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером B2018.1.DSc/Fil120 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.
Автореферат диссертации на двух (узбекский, русский) языках размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: Менглиев Бахтиёр Ражабович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Каримов Суён Амирович
доктор филологических наук, профессор
Собиров Абдулхай Шукурович
доктор филологических наук, профессор
Бакиров Поён Уралович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «26» ноябрь 2020 года в 11 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 Самаркандского государственного университета по присуждению ученых степеней (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, 105-я аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована за номером ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «14» ноябрь 2020 года.
(Протокол реестра рассылки 2020 64 от «14» ноябрь 2020 года)



М.К.Мухиддинов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. филол.н., профессор

**Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д. филол.н.**

А.Э.Маматов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д. филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике усиливается внимание к повышению практических навыков использования языка, исследованию лингводидактических средств, совмещающих в себе описание языка и цель быстрого и упрощенного обучения языку. К началу XX века во многих развитых государствах учебные словари признаны важнейшим средством не только обучения языка, но и воспитания личности с интеллектуальным потенциалом, высокой духовностью, приверженного общенациональным и общечеловеческим ценностям. Потребность в создании антропоцентрических словарей, являющихся важнейшим показателем современного человека, и её оцифровки обуславливает развитие прикладных наук языкознания: лингводидактики, лингвометодики, педагогической лексикографии, компьютерной лингвистики, корпусной лингвистики.

В мировой лингвистике особое внимание уделяется исследованию через призму учебных словарей первых лингвистических источников – уникальных классических словарей, передающих лексический состав языка с целью его обучения, раскрытию важнейшего социального, политического, духовно-нравственного вклада данных словарей в развитие государства. В условиях глобализации сохранение основных признаков феномена национальной культуры – его статуса и авторитета, создание учебных словарей нового поколения для всех уровней образования, призванных повышению степени превращения языка в интернет-язык и их мобильных приложений, работающих на различных электронных устройствах, проведение научных исследований, направленных на повышение у пользователей лексикографической компетентности являются актуальными задачами современного языкознания.

Узбекистан в данное время ступил на новый этап своего развития – этап национального возрождения. “Является естественным, что в нынешний период глобализации каждый народ, каждое независимое государство придает приоритетное значение обеспечению своих национальных интересов, прежде всего, сохранению и развитию своей культуры, исконных ценностей, родного языка”¹. Проводимые в республике широкомасштабные реформы в сфере языковой политики обусловили не только начало новой эры в развитии узбекского языка, но и переход на новый этап научно-исследовательских работ в языкознании, усилилось внимание к проведению прикладных исследований, изучающих язык с учетом человеческого фактора. Наряду с рядом поставленных перед языкознанием задач обозначена также задача “на основе действующих словарей на узбекском языке принять меры по созданию учебных словарей для всех видов непрерывного образования”².

¹Указ Президента Республики №УП-5850 “Указ Президента Республики Узбекистана мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка” от 21 октября 2019 года // www.lex.uz

²Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6084 “О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране” от 20 октября 2020 года // www.lex.uz

А это повышает потребность в создании современных учебных словарей, служащих для повышения практического использования родного языка и ускоренного обучения иностранных языков. Отсутствие в узбекском языкознании монографических исследований, освещающих теоретические и прикладные вопросы учебной лексикографии, определяют актуальность и востребованность выбранной темы.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан №УП-4797 “Об организации деятельности Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои” от 13 мая 2016 года, №УП-5850 “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка” от 21 октября 2019 года, №УП-6084 “О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране” от 20 октября 2020 года, №ПП-4479 “О широком праздновании тридцатилетия принятия закона Республики Узбекистан “О государственном языке” от 4 октября 2019 года, постановлениях Кабинета Министров №989 “Об утверждении положения о Департаменте развития государственного языка” от 12 декабря 2019 года, №40 “О мерах по организации деятельности комиссии по терминам при Кабинете Министров Республики Узбекистан” от 29 января 2020 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированного общества и демократического государства».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации¹. Научные изыскания, направленные на освещение теоретических и прикладных вопросов учебной лексикографии, проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, London University, Oxford University (Англия), Northern Arizona University, Northern Illinois University, California State University, Princeton University, Columbia University (США), Göttingen Universität, Berlin Universität, Humboldt Universität, Goethe Universität (Германия), Tokio University (Япония), Государственном институте русского языка имени А.С.Пушкина, Псковском государственном университете (Россия), а также Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Каршинском государственном университете, Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

¹Обзор международных научных исследований по теме диссертации осуществлен на базе следующих и других источников: www.pushkin.institute.ru, www.lingvolive.com/ru, www.dictionary.com, www.merriam-webster.com, www.macmillan dictionary.com, www.learners dictionary.com, www.oxford advanced learners dictionary.com, www.en.wikipedia.org, www.learnenglishkids.britishcouncil.org, www.multitrans.ru.

В мировом языкознании проделана определенная работа по изучению формирования, развития учебной лексикографии, теоретических и практических задач создания современных учебных словарей – градуальных учебных словарей, комплексных учебных словарей, серийных словарей, учебных ассоциативных словарей, лексических минимумов, электронных словарей, в частности, получены следующие результаты: разработаны исторические истоки учебной лексикографии, приведены основные характерные признаки, типология учебных словарей, разработаны лингводидактические, психолингвистические, социолингвистические, лингвопедагогические, когнитолингвистические основы учебной лексикографии, организована научно-экспериментальная лаборатория учебной лексикографии по разработке инновационных лексикографических концепций и созданию на их основе словарей нового типа (Московский государственный лингвистический университет, Институт русского языка имени А.С.Пушкина, Псковский государственный университет, Россия), обоснованы теоретические и практические вопросы создания современных типов учебных словарей: учебных тезаурусов WordNet, Wikipediya, Lingvo, Multitran, онлайн-словарей, красочных-картинных учебных словарей, двуязычных переводных словарей (Northern Arizona University, Northern Illinois University, California State University, Princeton University, Columbia University, США); разработаны лингвопедагогические основы создания различных тематических словарей (Göttingen Universität, Humboldt Universität, Германия), на повестку дня поставлены задачи формирования узбекской учебной лексикографии, создания современных учебных словарей (Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз, Узбекистан).

В мировой лингвистике проводится ряд исследований по изучению истории учебной лексикографии, правил составления учебных словарей, созданию учебных словарей нового поколения современного типа, в частности, проводятся исследования в следующих направлениях: изучение первых лексикографических произведений – шедевров мировой лексикографии через призму учебных словарей и создание на их основе учебных словарей нового типа, оцифровка существующих печатных версий учебных словарей с использованием функциональных возможностей информационных технологий; создание онлайн-словарей, учебных тезаурусов, национальных корпусов, комплексных учебных словарей.

Степень изученности проблемы. Научное изучение учебных словарей начинается в XVII в. с исследований английского лексикографа С.Жонсона, в XIX в. французского лингвиста Ж.Дюбуа, К.Дюбуа, Г.Маторе, Б.Кюмада, американского языковеда К.Д.Бака, испанского языковеда Ж.Малкила, русских языковедов П.Н.Денисова, В.Г.Гака, Л.А.Новикова,

В.В.Морковкина, С.Г.Бархударова, Ю.Н.Караулова, М.А.Скопиной, А.Е.Супруна, Л.Г.Саяхова, Т.А.Кадырбаевой¹.

